



Чоршанба

# Maħalla

Газета 1996 йил январь ойида чиқа бошлаган

"Mahalla" ахбороти

## СЕНАТГА САЙЛОВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда сайлов кампаниясининг навбатдаги муҳим босқичи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови қизғин паллага кирди.

17 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг қўшма мажлислари бўлиб ўтди.

18 январь куни Бухоро, Самарқанд, Фаргона ва Хоразм вилоятларида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг қўшма мажлислари бўлиб ўтди.

Уларда мазкур давлат ҳокимияти вакиллик органи депутатлари ҳамда ҳар бир ҳудуд бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига олти нафардан вакил сайланди. Яширин овоз бериш қонунда ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Низомда белгиланган тартибда амалга оширилди.

Қўшма мажлисларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари иштирок этди.

Андижон вилояти

## "МАҲАЛЛАМ БОР БЎЛСИН!"

Олтинқул туманидаги Жалабек қишлоғи Қўштепа маҳалласида истиқомат қилувчи Шодмонбек Исмоиловнинг тўрт хонали уйи ёниб кетди. Оила аъзолари бу қулфатдан азият чекиб ўтирганларида маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдураимжон Абдулломов уларнинг жониغا оро кирди.

— Ҳеч ташвиш тортманглар, — деди у Шодмонбек акага, — бутун маҳалла аҳли сизнинг ташвишингизга шерик. Биз маҳалла фаоллари ва оқсоқоллар билан қилинадиган ишнинг режасини чамалаб ҳам чиқдик. Сайфутдин Ашуров номли ширкат хўжалиги ҳам ёрдамга тайёр. Уйингизни бир ҳафтага қолмай тиклаб берамиз!

Бундай ғамхўрликдан хонадон эгаларининг кўнгли тоғдай кўтарилди. Бир гуруҳ ёшлар кўп ўтмай ишга киришиши ҳам, Яна бошқалар ширкат хўжалиги берган ўттиз тул теракни кесиб келиши. Маҳалла аҳолиси тўплаган пулга шифер сотиб олиши. Маҳалладаш усталар эса уч кунда уй томини ёниб бериши. Ёшлар эса суваш, пәрдолаш ишларини давом эттириши.

Раиснинг гапи тўғри чиқди. Бир ҳафтага қолмай Шодмонбек Исмоилов хонадони мўрсидан яна тутун чиқа бошлади. Севинчи ичига сиймай: "Маҳаллам бор бўлсин, халқим бор бўлсин!" дейди у.

Узқўбй САКСОНБОЕВ,  
"Mahalla" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

## "ФАРОВОНЛИК" ЯРАТГАН ФАРОВОНЛИК

Тўртқул туманидаги Гулнора Полвашева тақвирли қилаётган "Фаровонлик" фермер хўжалиги учун 2004 йил гоят сердаромад бўлди. Хўжалик аъзолари 17 гектар ерга яхши ниятлар билан эккан пахта, буғдой ва 2 гектардаги боғзордан юқори ҳосил олишти. Фақат дехқончиликдан 13 миллион сўм соф даромад кўтарилди. Даромадининг кўпая бориши ҳудудда тadbirkorликни кенг қўл очиб ёйдириш имконини берди.

— Фермер хўжалиги ташкил топган 2001 йилдан буюн яхши натижаларга эришяямиз, — дейди унинг раҳбари Гулнора. — Натижада иқтисодий жиҳатдан анча бакуватлашдиқ. Жамоа билан маслаҳатлашиб, Тўртқул шаҳрида фойдаланилмайд турган мەҳмонхона биносини сотиб олиб таъмирладик. Ҳозир бинонинг биринчи қаватида "Гўзаллик саломи", тикув-тўкув цехлари, фотостудия ишга туширилиб, халқ учун хизмат қилапти. Иккинчи қаватда эса барча қўлайликларга эга бўлган мەҳмонхонани фойдаланишга топширдик.

Айни пайтда фермер Гулнора хайрли юмушларини давом эттириб, юз ўринли ошқонани ҳам ишга тушириш саъй-ҳаракатида.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,  
"Mahalla" мухбири.

### Сайлов ва яқун

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АХБОРОТИДАН

2005 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз бериш натижасида сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 58 депутати рўйхатга олинди.

2004 йил 26 декабрдаги сайлов ва 2005 йил 9 январдаги такрорий овоз бериш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг барча — 120 депутати сайланди ва рўйхатга олинди.

Сайловларда 489 депутатликка номзод, шу жумладан, сиёсий партиялардан — 435 киши ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан мустақил номзодлар — 54 киши иштирок этди. Сайловларда фуқаролар фаол катнашди. 2004 йил 26 декабрдаги асосий сайловда 12197159 (85,1 фоиз) сайловчи, жорий йил 9 январда эса 5400000 дан ортик киши ёки такрорий овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг қарийб 80 фоизи катнашди. Сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олди, бу партиядан депутатларнинг 34,2 фоизи сайланди; Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатларнинг 23,3 фоизи сайланди. Шунингдек, Фидокорлар партиясининг 18 аъзоси, «Миллий тикланиш» партиясининг 11 аъзоси, «Адолат» партиясининг 10 аъзоси сайланди.

Сайловлар Қонунчилик палатасидаги ўринлар учун сиёсий партиялар ўртасидаги кескин рақобат кураши мўҳитида ўтди. Оқуғларнинг деярли 77 фоизини бир депутатлик мандати учун 4 тадан 6 тагача номзод кураш олиб борди. Жумладан, 55 та сайлов округида бир депутатлик мандати учун иккитадан, 32 округда бештадан, 5 та округда олтитадан номзод курашди. Бундан ташқари, 5 та сайлов округида бир депутатлик мандати учун иккитадан, 23 та округда учтадан номзод бахслашди. Партиялар қўнчилигида кўзда тутилган сайловда ташвиқоти ни олиб бориш имкониётларидан тўлиқ фойдаланди.

Сайланган депутатлар орасида фақат 18 киши (15 фоиз) илгари Олий Мажлис депутаты бўлган. Қўнчилик палатасига номзоди қўйилган хотин-қизлар — жами 159 киши, сайланган депутатларнинг қарийб 18 фоизини хотин-қизлар ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга бўлган сайловлардагидан икки ярим баравар кўпдир. Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан кўрсатилган 54 номзоддан 14 киши депутатликка сайланди. Қўнчилик палатасига сайланган депутатлар орасида улар 11,6 фоизни ташкил этди.

Янги сайланган депутатлар корпусининг таркибида Қўнчилик палатасининг профессионал хусусияти ўз аксини топган. Сайланган депутатлар орасида 18,3 фоизи — юристлар, 21,7 фоизи — иқтисодчилар. Айни пайтда қўйи палатда жамиятнинг деярли барча ижтимоий катламлари вакиллари бор. Депутатларнинг 10 фоизи саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаси вакиллари, 7,5 фоизи қишлоқ хўжалиги вакиллари, 12,5 фоизи тadbirkorлар, 20 фоизи таълим, фан, маданият ва соғлиқни таъминлаш соҳаси ходимларидир. Депутатларнинг қарийб 18 фоизи — нодавлат нотариот ташкилотлар вакиллари.

Сайлов кампанияси жараёнини мамлакатимизнинг 493, хорижининг 107 омжавий ахборот воситаси ёритиб борди. Сайловда дунёнинг 40 га яқин мамлакатидан 228 хорижий кузатувчи, жумладан МДХ, ЕХҚТ кузатувчилари миссиялари катнашди.

### Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олғудан

## АДИБ УЙ-МУЗЕЙИ БОЙИМОҚДА

Мамлакатимизда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек таваллудининг 100 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмақда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг юз йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори адиб ҳаёти ва ижодий фаолиятини, адабий меросини янада чуқур ўрганишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Шу кунларда ёзувчи уй-музейида иш ҳар қачонгидан ҳам қизғин. Бу табаррук қадамжодан ёзувчилар, адабиёт иҳлосмандлари, китобхон ёшларнинг қадами узилмайди.

Айни пайтда музей экспозициясини янгилаш устида иш олиб борилмақда. Мажжуд экспонатлар ёнига адиб ижодига, илмий ва ижтимоий фаолиятига дахлдор янги ҳужжат, сурат ва китоблар қўшилмақда.

Юбилей муносабати билан уй-музейида янги бўлим ташкил этилаётди. Ундан Президентимиз Фармони билан ёзувчига берилган «Буюк хизматлари учун» ордени ҳамда адибининг сўнги йилларда хорижда чоп этилган асарлари ўрин олади.



### Давъат

## ҲАР КУННИНГ СИНОВИ

Ҳар кунинг —  
Синодан қолган фойдадир,  
Тўхтама,  
Иқболинг бўлур зиёда.  
Боқ, яёв кетмақда  
отдан тушганлар,  
Отга миниб олган  
қанча пиёда.  
Чархпалак дунёмас,  
чархпалак феълмиз.  
Шу айтар гапимни  
яхшиликка йўй.  
Отга минганларга  
қўлингни берсанг,  
Отдан тушганларга  
елканг тугиб қўй.

Ҳамид НОРКУЛ

Қашқадарё вилояти

### Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига

## "МАҲАЛЛА МАРКАЗИ" ҚУРИЛМОҚДА

Шу йил вилоят маркази — Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги нишонланади. Айни кунларда Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ишлаб чиқилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун қизғин тайёргарлик кўрилмақда.

Шуниси қувончлики, шаҳарнинг энг гавжум ва кўркем жойида вилоят "Маҳалла маркази" мажмуаси ҳам қад кўтарди. Шарқона услубда бунёд этиладиган мажмуада маҳалла ва бошқа фуқаролар йиғинларига услубий ёрдамлар кўрсатиш, ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакаси ҳамда билимини ошириш, улар билан турли тadbirkorлар ўтказиш учун барча имкониётлар яратилади.

"Маҳалла маркази" қурилиши бошланиб кетди. Шубҳасиз бунинг учун катта миқдорда маблағ талаб қилинади. Бунга давлат бюджетидан катта маблағ ажратилади. "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими воҳанинг барча меҳнаткашларига қарата муқожаат билан чиқди. Унда шундай мазмундаги даъват сўзлари бор: "Маҳалла маркази" шу йил август ойида ишга туширилиши керак. Шаҳарнинг барча маҳаллалари, ташкилот, ҳиссасдорлик жамиятлари, муассасалари, тadbirkor ва ишбилармонлар бу савоб ишдан четда қолмасликлари лозим."

Мажмуа қурилишини қўллаб-қувватлаш учун шаҳардаги Миллий Банкда хўжаликлар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, транспорт корхоналари, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча жамоалар учун махсус ҳисоб рақами очилди. Унга "Косонёг" очик ҳиссасдорлик жамияти жамоасидан дастлабки 400 млн. сўм келиб тушди.

Қурбон ЭҒАМБЕРДИЕВ,  
"Mahalla" мухбири.

## БИТИМ

## ИМЗОЛАНДИ

18 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Польша Республикаси ўртасида махфий маълумотларни ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги Битим имзоланди.

Мазкур ҳукуматлараро Битимни имзолаш XVI асрининг энг дахшотли хавфи — халқаро терроризм, диний экстремизм, гийҳванд моддаларни олиб ўтиш ва уюшган жиноятга қарши ҳамкорликда кураш соҳасидаги икки томонлама ўзбекистон ва Польша муносабатларини ривожлантириш доирасида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ва Польша Республикаси раҳбарлари топшириғига асосан Битимни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Раиси Рустам Иноятов ва Польша Республикаси Ички хавфсизлик Агентлиги раҳбари Анджей Барчичковский имзоладилар.

Битим кўплаб шу каби иккитомонлама ҳужжатлар сингари махсус хизмат соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, ҳар икки давлатнинг турли хавф-хатардан ҳимоялаш борасидаги ҳамкор курашида ҳуқуқий асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ахборот хизмати.

## ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ: «ТҮРТ ҚАРРА ЙҶҚ!»

Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Сихат-саломатлик йили муносабати билан сиз, азиз журналистларни «Тўрт қарра йўқ!» деб номланган танловда катнашишга таклиф этади.

Танловга соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилмаган, ОИТС, гийҳвандлик, ичкиликбозлик, қашандлик каби иллатлар келтириб чиқарадиган мудҳиш оқибатларни акс эттирадиган, мамлакатимизда улғайи қарши олиб борилаётган кураш, бу курашда олдинги сафда турган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи қизиқарли мақолалар, эшиттириш ва курсатувлар, фотолавҳалар қабул қилинади.

Танлов голиблари қуйидаги номинациялар бўйича аниқланади:

- энг яхши мақола;
- энг яхши эшиттириш;
- энг яхши курсатув;
- энг яхши фотосурат.

Номинациялар бўйича голибларнинг ҳар бири 250 миғ сўмдан пул муқофоти билан тақдирланади.



— Яна нима дейди?  
— Бир қалам чархлаб кўринг-чи, — дейди.

Танловга тақдим этиладиган мақолалар матни икки қатор оралиғида, икки нусxada кўчирилган бўлиши лозим. Радиоэшиттиришлар аудиокассетага, телекурсатувлар видеокассетага кўчирилган ҳолда тақдим этилади. Фотолавҳалар кичик шарҳ илова қилинган ҳолда топширилади.

Тақдим этиладиган асарлар 2005 йил Ўзбекистон Омжавий ахборот воситаларида эълон қилинган бўлиши шарт. Танловга асарлар 2005 йилнинг 1 декабрига қадар қабул қилинади. Топширилган ижодий ишлар муаллифларига қайтарилмайди.

«Тўрт қарра йўқ!» танлови якуни 2005 йил декабрь ойининг охирида эълон қилинади. Муқожаат учун манази: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30-хона. Тел. 144-37-87, 144-69-65. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-уй. Тел. 144-01-41, 114-13-54. Ўзбекистон телевидениеси. «ТҮРТ ҚАРРА ЙҶҚ!» танловида.



Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигидан 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссасдорлик жамияти

Тахририйт маназили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93

Тел/Факс: — 133-44-25

Маъсуль котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Я.» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилмади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙЎЛИ БАРДАВОМ

Эътироф

ҲАМЖАҲАТЛИК МАҲАЛЛАГА ХОС

Ёрқурғон қишлоқ фуқаролар йиғини Наманган ва Уйчи туманларини боғлаб турувчи катта магистрал йўлининг шундайгина ёнида жойлашган Соҳ қишлоғида фаолият юрताди.

Собиқ ҳарбий бўлгани учунми бир сўзли, қатъиятли инсон у. Одилжон аканинг сайё-ҳаракатлари туфайли ўтган йилда маҳалла ҳаётида бир эмас, бир неча ижобий ўзгаришлар юз берди.



СУРАТДА: маҳалладаги хайрия ишлари.

Собиқ ҳарбий бўлгани учунми бир сўзли, қатъиятли инсон у. Одилжон аканинг сайё-ҳаракатлари туфайли ўтган йилда маҳалла ҳаётида бир эмас, бир неча ижобий ўзгаришлар юз берди.

Хоразм вилояти

Хива шаҳридаги 121-сон маҳсус кўзи оғир болалар интернат-мактаби ходимлари бу ерда тарбияланаётган болаларга кўрар кўз бўлиш ҳаракатидадир.

ОРЗУГА УМИД БАҒИШЛАГАНЛАР

Мақдур маскан бундан роппа-роса ярим асрдан аввал ташкил қилинган. Интернет-мактабга ногирон болалар 6-7 ёшдан қабул қилинади.

Осиё тараққиёт банки интернет-мактабнинг синф хоналари, ётоқхоналари, ошхонасини таъмирдан чиқариш учун 10 млн. сўм маблағ ажратди.

Соғлиги, яшаш ва илм олишлари учун доимий ғамхўрлик қилинаётганлиги боис мактаб-интернат жамоаси фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида қувончли ютуқларга эришмоқдалар.

Саховатпешалик ногирон болаларга кўтаринки қайфиёт, эзгу орзу-умид, ниятлар бағишламоқда.

Абдулла САФОВЕВ, "Mahalla" мухбири.

ХОРИЖИЙ КРЕДИТ ҲИСОБИГА

Халқаро тикланиш ва Тараққиёт банки ҳисобидан кредит олаётган ҳўжаликлар билан бирга, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар ҳам замонавий ва юқори технологик асбоб-ускуналар сотиб олиб, импорт ўрнини босувчи экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришмоқдалар.

25 минг АҚШ доллари миқдорига кредит олган Нишон туманидаги "Олтин бошоқ-1" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси ерөнғокни қайта ишлаб, нафақат республикада, балки хорижий мамлакатларда ҳам қимматбаҳо хисобланган — ерөнғок креми ишлаб чиқаришга киришди.

Икки йилдирки, Нишон туманида Халқаро тикланиш ва Тараққиёт банки кўмағида "Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси асосида ирригация ва дренаж тармоқларининг ҳолатини яхшилаш, фермерларга маслаҳат хизмати кўрсатиш, хусусий машина-трактор паркларни тармоғини ривожлантириш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" мухбири.

ларнинг саховатпешалиги оқсоқолга катта мадад бўляпти.

Маҳалла Йиғини Республика Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан эълон қилинган кўрик-танловларнинг туман, вилоят босқичларида фаол қатнашди.

— Меҳр ва мурувват йили маҳалламизда ўзидан яхши излар қолдирди, — дейди оқсоқол. — Энг қувонарлиси, йил давомида маҳалламизда биронта ҳам қонунбузарлик ҳолати кутилмади. Оилавий можаролар, ажрашуларнинг олди олинди.

М.КОДИРОВ

Бухоро вилояти

Яқинда вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раёсатининг 2004 йил якунлари сарҳисобига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

ЙИЛ ҲИСОБОТИ

— Маҳаллаларда спортни ривожлантириш йўлида қилинган сайё-ҳаракатлар — "Энг спортчи оила", "Маҳалламиз паҳлавонлари" кўрик-танловларида эришган муваффақиятларимиз фахрли ҳисоб арзийди.

Шунингдек, Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Бехбўд Жумаев маърузасида йил якунининг қувончли ютуқлари билан бир қаторда баъзи камчиликлар ҳам рўй-рост айтилди.

Шунингдек, йиғилишда Сихат-саломатлик йилидаги долзарб ва устувор вазифалар ҳамда ўзини-ўзи бошқариш тизими фаолиятида яқин ҳамкор ва кўмақдош бўлган "Mahalla" газетаси обунаси масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Дилмурод ЖАББОР, "Mahalla" мухбири.

2005 йил — Сихат-саломатлик йили

ЧўЛ СИҲАТГОҲИДА...


номанишиса сабаб ўтмишда мақдур ерларини одам юрса оёғи, куш учса қаноти қуяйдиган қизил дашт бўлганлиги экан. Ана шу дашт биёбонда бурғулаш ишлари олиб борилганда ер остидан катта босимдаги илиқ сув оқиб чиққан.

Ана шу сихатгоҳлардан бири тадбиркор шифокор Маҳмуджон Иброҳимовга қарашли "Жаҳонгир Мирзо" кўп тармоқли хусусий даволаш масканидир.

Бугунги кунга келиб бу масканда нафақат қизилтепеликлар, балки республикамизнинг барча вилоятларидан келган фуқаролар даволанадилар.

Бугун "Жаҳонгир Мирзо" сихатгоҳида асосан қишлоқ ва маҳаллалар аҳли вакиллари даволаниб, ҳордиқ чиқаришмоқда.

Кодир ШОДМОНОВ, "Mahalla" мухбири.



Тошкент вилояти

ХАЛОСКОРЛАР ХИЗМАТИ

Ҳаётда шундай воқеалар учрайдики, инсон бир бахтсиз тасодиф ёхуд соғлиғининг ёмонлашуви оқибатида ёруғ дунё билан видолашаётган чоғида уни яшашдан умидвор қилувчи, мадад қилини чўзувчи халоскорга муҳтож бўлади.

Янгийўл туманидаги Тез тиббий-шошилиқ ёрдам бўлимининг тажрибали шифокор ходимлари ана шундай эзгу ишни адо этти йўлида самарали фаолият юрताди.

СУРАТДА: бўлим ходимлари — жарроҳ А.Нишонбоев (ўнгда), реаниматолог О.Ақромов (ўртада) ҳамда кардиолог М.Савдобоевлар.

Сурхондарё вилояти

Қишлоқ йиғинларига

Шеробод туманидаги Сеплон қишлоқ фуқаролар йиғинининг ҳудуди анча кенг. Бу ерда 27828 нафар аҳоли истиқомат қилади.

ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАР

Қишлоқ йиғинига Шариф Жўраев раис этиб сайланган. Фуқаролар йиғини таркибидаги ўн еттита қишлоқни бирлаштирган 9 та маҳалла инфратузилмасини тараққий эттириш йўлида дадил қадамлар ташланди.

Ҳаёти фаровон. Бунда Улаш Туропов номида ширкат ҳўжалиги билан бир қаторда, қишлоқ йиғини тасарруфига ўттиз еттита фермер ҳўжалигининг ҳам муносиб хиссаси бор.

Маҳаллалардаги 30 нафардан ортиқ чўптарош усталар эътибордан четда эди. Қишлоқ фуқаролар йиғини ташаббуси билан уларнинг боши бирлаштирилди.

Масалан, Чўмчилик маҳалласидаги янги гузар қурилиши ташкилотчиси ҳўжалик раҳбари Ҳ.Абдурахмонов бўлди.

Сеплондаги саккизта умумтаълим мактабларида меҳнаткашларнинг қарийб етти минг йил-кизлари таълим олаётган бўлса, бешта боғчада тарбия кўраётган болалар соғи 160 дан ортди.

Хилкон маҳалласида ичимлик сувига бўлган эҳтиёт ҳам фермер Тўра Болтаевнинг беминнат хизмати боис ижобий ҳал қилинди.

Қишлоқ йиғини ҳудудда тўртта ҳақимлик пункти, битта шифохона, аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

Тўра Чориев, Аскар Норбеков сингари фермерлар қўли очик, бағри кенг инсон сифатида эътибор қозонганлар, иззат-икромга сазовор бўлганлар.

Ҳа, қишлоқ аҳли тўқ, бадавлат умргузаронлик қилмоқда. Дастурхони тўкин,

Дарҳақиқат, Сеплон қишлоқ фуқаролар йиғини ва унинг тасарруфигаги тўққизта маҳаллада саховатпеша, меҳри дарё, қалби қайноқ фермерлар, ҳўжалик раҳбарлари, ишбилармон-тадбиркорларнинг сафи анча кенг.

Омон ШУКУРОВ, "Mahalla" мухбири.

ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОН

ГУЛИСТОН /Уза мухбири А.Адизов/. Утган йилнинг охирида тожикистонлик 42 ёшли П.Пиронов Ўзбекистон—Тожикистон чегарасидан катта миқдорда гиёҳванд моддаларини олиб ўтди.

Сирдарё вилояти ҳўкумини муҳофаза қилиш органлари ходимлари томоққада таркибида наркотик моддалар бор бўлган ўсимликларни етиштириш ҳолатларини ҳам аниқлади.

жиноий жавобгарликка тортилди.

Гиёҳванд моддаларини олиб ўтувчиларга қарши кураш учун Тожикистон ва Қозоғистон билан чегарада милиция постлари ташкил этилди.

Бундан ташқари ўнлаб тезкор гуруҳлар ташкил этилди. Уларнинг ихтиёрида 100 дан ортиқ автомобиль ва барча зарур алоқа воситалари бор.



## Қалб мавжси



ЧОРШАМЪ

БАХТИ  
КЕЧТАСИН  
АДАШИМ...

Ҳар куни ўтамиз қарашиб-қаратиб,  
Навбахор фаслига ярашиб-ярашиб.

Мен йигит тўғрида бўйимни кўрсатиб,  
Сен қизлар ичда яйрашиб-яйрашиб.

Ҳар битта нигоҳу, ҳар битта имода  
Севинчу қайғулар қалашиб-қалашиб.

Юзингда кулгини тортқилаб ўйнайд  
Лаблага ҳолингни таллашиб-таллашиб.

Булбуллар ҳам боғлар ичга чорлайди  
Гоҳ-гоҳи жуъровоз сайрашиб-сайрашиб.

Муҳаббат сайлига чиқайлик, эй Чоршамъ,  
Бахтимиз кетмасин адашиб-аданиб.

Сен бўлмас жойларда озод яшайман,  
Атрофимни айлаб обод яшайман.

Яшмоқ лаззатин туйиб ҳар куни  
Жисму жоним қилиб мен шод яшайман.

Сен боғларда бўлсанг Шириндан ширин  
Мен тоғларда нисли Фарҳод яшайман.

Йироқлардан тушиб қолса нигоҳинг  
Руҳи жоним бўлиб барбод яшайман.

Яқин келсанг ишқ оташи куйдириб  
Тунлари мен чекиб фарёд яшайман.

Чоршамъ кўнгли илтижолар айлағай,  
Раҳм қил, бер менга имлод, яхши ман.

Меҳрсиздан меҳр қутган хато қилур,  
Ўз жонига жабр қилур, жафо қилур.

Укубатда ўтиб умри адо бўлгай,  
Кўнглини ҳам бора-бора адо қилур.

Сабрлиқ ошиққа ёрлигин билиб  
Сабр ила ситамкори жазо қилур.

Бевафодин кутмағайлар вафо асли,  
Ким кўрибди бевафолар вафо қилур?

Ақли айтган гапларига кўнгли кирмай  
Чоршамъ тунлар йиғлаб ишқи наво қилур.

Танга кўп озор етиб жон қийналур,  
Жонни асрайман дея шон қийналур.

Кийнамоқ бергай бировларга ҳузур,  
Демағай: одил бир инсон қийналур.

Манзилу мақсадни сарбон билмасам  
Билки, йўл юрганга карвон қийналур.

Қаргаю тўтизабонлар ичда  
Куйлаган булбул газалдон қийналур.

Кўз юмиб ўтмай бу олам ҳолига  
Доимо Чоршамъда виждон қийналур.

## Суъ салмови

## ҚАЛБ ТАРЖИМОНИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм.

Парвардигор инсонларнинг мўътадил ва фаровон ҳаёт кечиринишлари учун лозим бўлган барча моддий бойликларни яратдики, бу улуғ неъматларнинг ҳеч қачон ҳисобига етолмаймиз. Қурбони каримда: "...Аллоҳ берган неъматларини санаб сановига етолмайсизлар..." (Иброҳим, 34) "...Берган неъматларимга шуқр қилсангиз, албатта уларни янада зиёда қилурман..." (Иброҳим, 7) — дейилади.

Аллоҳнинг бу марҳаматига шуқрона этсак, берган неъматлари янада зиёда бўлади. Шундай неъматларидан бири инсон вужудидаги барча аъзоларнинг соғ-саломат бўлишидир. Албатта, бу вужуд инсонларга берилган омонат бўлиб, уни хайрли ишларда ишлатишга ва ёмон иллатлардан сақлашга шариятимиз буюрган.

Тил инсоннинг жисман энг кичик, ammo масъулият ва вазифа жиҳатидан

алоҳида эътиборга лойиқ аъзосидан биридир. Аллоҳ таоло ўз китобида: "Ахир биз унга икки кўз, тил ва икки лаб (ато) қилмадикми?" (Балад, 8-9), дейди. Тилни фақат хайрли сўзларда, яхши муомалаларда ишлатиш ва ёмон бадфелъ сўзларни айтишдан сақламоғимиз лозим экан.

Муҳаммад алайҳиссалом тилни ноҳўя сўзлардан асрашга, иложи бўлмайдиганда эса сукут сақлашга буюриб:

"Қимки Аллоҳ таолога ва охираат кунига имон келтирган бўлса, фақат яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин", — дедилар.

Ислом динида тилга бу қадар катта эътибор берилишининг боиси шундаки, тил қалбга яқиндир. Халқимизда у қалб таржимони, деб бежиз айтилмаган. Тилга эътибор, элга эътибор деган мақол ҳам бор. Қайси бир инсоннинг қалби пок ва соф бўлса, унинг тилидан бол томиб, ширин гаплар чиқади. Шунинг учун ҳам элимизда "Яхши топиб гапирар, ёмон, қошиб", — деган нақл ҳам бор.

Тил билан қалб ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақида Пайгамбаримиз Расулulloх саллаллоху алайҳи васаллам шундай дейдилар:

"Банданинг имони тўғри бўлмайдиган, токи унинг қалби тўғри бўлмагунча, шунингдек, қалби тўғри бўлмайдиган, токи унинг тили тўғри бўлмагунча".

## Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС

Маълумки, тил орқали содир қилиниши мумкин бўлган жиноятлар — гийбат, чақимчилик, ёлгон гувоҳлик бериш кабилар билан инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат пойдеворига дарз кетиши мумкин.

Бу борада мурабий, олим Абдула Авлоний шундай деганлар:

Агар журму гуноҳ бўлсин десанг оз,  
Тилингни сақла гийбатдан қиши ёз,  
ёки:

Гўзаллик юзда эрмас, эй биродар,  
Сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар.

Сўзинг оз бўлсину маъноли бўлсин,  
Эшитганлар қулоғи дурга тўлсин.

Сўзинг бўлса қумуш, жим турмас олтув,  
Миси чиқай, сўзинг кўп бўлса, бир кун.

Кўпайган сўзинг бўлгай тўғриси оз,  
Шақарнинг кўпидан ози бўлур соз.

Яратган барчамизга тил ва дилимизни тўғри қилиб, ҳақиқат бодидан ширин мевалар теришимизни насиб этсин.

## Соғлом авлод — тараққиёт таянчи

## Аёлнинг умидбахш фасли

Қабрай туманининг "Она ва бола" марказига кириб борганимизда қабул бўлимида икки шифокор ҳомиладор аёл билан қизғин суҳбатлашишарди. Шифокорларнинг бири қуйиб-пишиб аёлга шундай дерди:

— Шунча вақтдан буюр биз сизнинг шароитингизни тушуниб, шифохонага ётмаганингиз учун кун-кунора хабар олиб турдик. Энди бу ёнга уйингизда қолдирилмаймиз. Ой-кунингиз яқин, қутилмаганда дард туйиб қолса, яна қон босимингиз кўтарилиб кетиши мумкин. Бундай пайтда "Тез ёрдам" етиб бориб, бизга олиб келишгунча ҳам... Худо кўрсатмасин... — шифокор гапни охирига етказмай аёлга тикилди. Аёлнинг қўзғарилиши аёлга шунақа:

— Тушунасизларнинг-чи, шифохонага ётолмайман... Иккита ёш болам бор, ҳали мактабга ҳам боришмайди. Уйда мен бўлмасам, дадаси ишдан қолиб болаларга қараб ўтиролмайди-ку, — деди.

Шифокорлар бир-бирларига "Нима қилдик энди?" деган сўз билан қўйишти. Бироздан сўнг уларнинг бири "Ҳозирча уйингизга бориб туринг" — деб ҳомиладор аёлга руҳат берди ва бош шифокорнинг хонасига йўналди. Буни қараганки, бу муаммо тез орада телефон орқали ечилди: туғруқхона бош шифокори туман хотин-қизлар кўмитаси расисига вазиятни тушунирган экан, ярим соат вақт ўтар-ўтмас туғруқхонага ҳалиги аёл яшайдиган маҳалла хотин-қизлар билан ишлан комиссийанинг расиси телефон қилди. У билан гаплашаркан, бош шифокорнинг юзи ёришарди.

Маълум бўлишича, маҳалланинг фаол аёллари маслаҳатлашиб, ҳомиладор аёлнинг уйда қоладиган болаларига қараб туришни қўшнилардан бирига топширишибди.

Аслида, халқимиз учун бу каби ҳолатлар янгилик эмас. Қўни-қўшниларнинг бир-бирига яхши-ёмон кунларда ҳамдарду ҳамкорлиги қон-қонимизга сингиб кетган. Азал-азалдан ҳомиладор аёлга алоҳида эътиборлилик, ғамхўрлик энг савобли удумларимиздан бўлиб келган. Қўшининг келини ҳомиладор бўлганини англаган пайтдан тансиқ таомларни, тандирдан янги узилган иккитакани нонни ризқ-насиба қилиб чиқариш удуми меҳр-оқибатли қўшнлар ўртасида ҳамон сақланади. Мен тугилиб ўсган Фарғона вилоятда ақика ёки бирон тадбир қилиб чақиринларни кутиб ўтирмай, қўни-қўшни, маҳалла-қўй янги кўзи ёриган аёлни иссиқгина таом билан йўқлаб турадилар.

— Халқимизнинг азалий, гоёт ибратли удумлари ҳам муқтадиллик туйғули ҳаётимизга қайти, — деб тиббиёт амалиётига оид неча асрлик анъаналарнинг аҳамияти ҳақида сўзлади Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Нурия Айтжоновна. — Айниқса, ҳомиладор аёллар, янги чақалокларга тиббиёт муассасаларида курсаталаётган муносабат, янги тартиб-қоидаларнинг ҳаммаси момоларимизнинг турмушида сигналган ва яхши натижалар берган урф-одатлари билан уйғундир.

Лекин айрим ҳолатларда ҳомиладор аёл шифохонада ётиб тегилиш назорат остида бўлиши жуда муҳим эканлигини тушутирсалар ҳам, аёлларнинг турмуш ўртолари бунга руҳат бермаганликлари, баъзи қайноналарнинг: "Дўхтирлар гапиреради. Биз ҳам



шунча фарзанд кўриб, дард тугмагунча туғруқхона остонасини босмаганми?

— дейиши оқибатда юз берадиган нохушликлар ҳам оз эмас. Маълумотларга қараганда, барча ҳомиладор аёллардан 15 фоизга яқинининг ҳомиладорлиги турли асоратлар билан кечиши мумкин экан. Худди мана шу тоифа аёлларни аниқлаш, уларнинг касалликларини вақтида даволаш, туғруқ жараёнида юз бериши мумкин бўлган нохушликларнинг олдини олиш республикамизда аналар ва болалар саломатлик кўрсаткичларининг янада яхшиланиши, аналар ва болалар ўлимнинг камайишига олиб келади.

Бу ўринда маҳалланинг фаол хотин-қизлари ҳонадонлардаги келинларга, уларнинг тугилажак фарзандлари тақдирига эътиборли бўлиб, жамиятнинг ишончи вакили сифатида оила аъзоларига вазиятни тушутирсалар жуда яхши бўлади. Зеро, ҳомиладорлик — аёл умрининг энг гўзал, умидбахш фасли. Аёлнинг бу фаслдаги орзу-умидлари миллатнинг, Ватаннинг истиқбол билан боғлиқ. Ҳомиладор аёлни авайламоқ, унинг жисму руҳидаги табиий аҳтиёлларини англамоқ ҳар бир инсоннинг ўз келажиги соғломлиги, камолотига қўшган ҳиссаси бўлса, иншоолло!

Муҳтарома УЛҒУБОВА,  
Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ақли айтган гапларига кўнгли кирмай  
Чоршамъ тунлар йиғлаб ишқи наво қилур.

Танга кўп озор етиб жон қийналур,  
Жонни асрайман дея шон қийналур.

Кийнамоқ бергай бировларга ҳузур,  
Демағай: одил бир инсон қийналур.

Манзилу мақсадни сарбон билмасам  
Билки, йўл юрганга карвон қийналур.

Қаргаю тўтизабонлар ичда  
Куйлаган булбул газалдон қийналур.

Кўз юмиб ўтмай бу олам ҳолига  
Доимо Чоршамъда виждон қийналур.

ҚУВЧИ  
Менсиз олам бўлмайди,  
Хўмрайди қулмайди.  
Эрта тонгда жилмайсан,  
Қора булут қолмайди.



КАМАЛАК  
Етти хилда товланиб,  
Осмонда кўринаман.  
Бир зум қувонч улашиб,  
Сўнг яна бекинаман.

ЧАҚМОҚ  
Баҳор чоғи осмонда,  
Чарс-чурс қилиб чиқаман.  
Гумбурласа момақалдирак,  
Чақмоқ бўлиб қақаман.

Сайёра САИДОВА



ҚОР — ҚИЛИНГ ЗИНАТ

## Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси,  
отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета 148 журнал											
(нашр номи)											
Комплектлар сон											
Йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга (почта индекс)											
(Маълумот)											
Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)											
НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРҶАКАСИ											
п.а. жойи											
148											
Mahalla (нашр номи)											
Обуна баҳоси											
сум											
Комплектлар сон											
Йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга (почта индекс)											
(Маълумот)											
Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)											

NOTE  
Хурматли обуначилар! Ушбу қитан-қитани обуна жараёнида сиз учун қулайлик яратиш мақсадида чоп этмоқдамиз. Қитан-қитан варақасини қирқиб олиб ва уни тўлдириб, матбуот тарқатиш ёки алоқа бўлимида обуначи расмийлаштиришингиз мумкин.

"Тумачин" шуъба корхонаси масъулият чекланган "Тумачин" жамиятига айлантирилади.  
Давлолар муддати бир ой.  
Тел: 551764

ООО "Avangard Spekt" зарегирироуваная Юнусбадаски р-не г. Ташкента ликидируется. Претензии принимаются в течении 2-месяцев.  
Тел: 1341067 (ОКПО 17639427) (ОКОНХ 51520)

Ташкент шаҳар Яққоврой туманида рўйхатга олинган "VEST-TRANS SERVICE" хусусий фирмаси ўз ҳуқуқий мақомини "VEST-TRANS SERVICE" масъулият чекланган жамиятига айлантиради.  
Давло ва аризалар қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 1076232

Ташкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор Хамроев Собирхон Исмоилович номига 2004 йил 11 майда берилган ББ 012917 сонли чакана савдон амалга ошириш ҳуқуқи учун руҳсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Ташкент шаҳар Юнусобод туманидаги 272-мактаб томонидан 2004 йили Закироҳиджоев Азамат Шерзодович номига берилган У' 0965917 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Ташкент шаҳар С.Раҳимов тумани ИИБ томонидан 2004 йили "BEATIFUL-GOLD"га берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

С.Раҳимов туманидаги Генерал С.Раҳимов номи ногиронларнинг спорт-соғломлаштириш клубига шаҳар статистика бошқармаси томонидан 1994 йил мартда берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Ташкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимлиги томонидан 27.04.2004 й-да Мирзабаев Равадан Раҳимиджановичга берилган ЖШ 010512 рақамли чакана савдон амалга ошириш ҳуқуқи қайд этилган руҳсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

"Mahalla" газетаси таҳририяти жамоаси "Шарқ" НМАК бош директори, газета таҳрир хайъати аъзоси Бобур Шухратович Алимовга акиси Фикрат АЛИМОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

## Mahalla

## Таҳрир хайъати:

Аъзам ГАДОЙБОВ,  
Акма СAIДОВ,  
Нигматилла АБДУЛЛАЕВ,  
Бобур АЛИМОВ,  
Рустам ҚОСИМОВ,  
Расул РАҲМОМОВ,  
Мавлуда ҚОСИМОВА  
(бош муҳаррир ўринбосари),  
Бахтиёр РИЗАЕВ,  
Шухрат РИЗАЕВ,  
Бехбуд ЖУМАЕВ,  
Татнаберди ҚУРБОНОВ,  
Эркин ҚУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.  
А-2, 2 босма тобук.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.  
Тошкент, Мабутоқчилар кўчаси 32.

Телефонлар:  
Қабулхона — 136-53-93,  
Тел/Факс: — 133-44-25,  
Масъул котиб: 136-53-75  
Хатлар бўлими:  
136-57-62.